

Европа Иттифоқи вакиллари билан учрашув ўтказилди

Жорий йилнинг 25 ноябр куни Фавқулодда вазиятлар вазирлида вазирнинг биринчи ўринбосари Комилжон Арипов ҳамда Европа Иттифоқининг Ўзбекистондаги делегатсияси раҳбари Эдуардс Стипрайс ўртасида расмий учрашув бўлиб ўтди.

Учрашув доирасида фавқулодда вазиятларни олдини олиш соҳасидаги икки томонлама ҳамкорликнинг истиқболли йўналишлари белгилаб олинди.

Куннинг иккинчи ярмида, меҳмонлар Фуқаро муҳофазаси институтидаги Зилзилаларни симуляция қилиш мажмуасида бўлиб, зилзилалар тарихи музейи ва зилзилалар хавфини камайтириш чора-тадбирлари, биринчи тиббий ёдам кўрсатиш қоидалари билан яқиндан танишдилар. Шунингдек, меҳмонлар ўз билим ва малакаларини ер силкинишини ҳосил қилувчи зилзила симуляторида синаб кўрдилар.